Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда молиялаштирилаётган, Конрад Аденауер жамғармаси ва “Юксалиш” ҳаракати томонидан ҳамкрликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда инклюзив жамият ривожи учун фуқаролик жамиятининг имкониятларини кенгайтириш” лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган 5 кунлик тренингларни ўтказиш

ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумот

Тренинг “ **Ўзбекистонда инклюзив жамият ривожи учун фуқаролик жамиятининг имкониятларини кенгайтириш**” лойиҳаси доирасида ташкил этилади. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқдарё ва Фарғона вилоятларидан қатнашадиган жами **50** нафар иштирокчи, 6 нафар маҳаллий (тунаб қолишсиз) ва 1 нафар (3 кун яшашни ҳисобга олган ҳолда) хорижий тренерлар ҳамда 2 нафар ташкилотчилар иштирок этади. Тренинг 7 та мавзудаги сессияларни қамраб олади.

2. Вақт ва жой

Тренинг санаси: **2025 йил 10 ноябрдан – 2025 йил 14 ноябргача**

Давомийлиги: 5 кун

Иштирокчиларни меҳмонхонага жойлашиш ва чиқиб кетиш санаси: 2025 йил 9 ноябрь – 2025 йил 15 ноябрь

Жойи: Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти 3 ёки 4 юлдузли меҳмонхона (конференц-зал билан)

3. Иштирокчилар

Иштирокчилар сони: 50 нафар

Тренерлар сони: 7 нафар

Ташкилотчилар: 3 нафар

Барча иштирокчилар учун умумий сони: 60 нафар

4. Ётоқ жойлари ва шароитлар

Иштирокчилар учун икки кишилик хоналар (twin room)

Тренер ва ташкилотчила учун 1 кишилик хоналар (single room)

Ҳар бир хонада: кондиционер, душ, Wi-Fi, соч қуритгич, ичимлик суви ва гигиена воситалари бўлиши шарт

Тозалик ҳар куни таъминланиши керак

5. Овқатланиш

Барча иштирокчилар учун:

Нонушта – меҳмонхонада (швед стол ёки порцияли меню)

Тушлик ва кечки овқат – 3 та таомдан иборат (салат, асосий таом, десерт/напиток)

Кофе-брейк – ҳар куни 1 марта (чой, қаҳва, сув, печенье, мевалар, ёруғ закускалар)

6. Конференц-зал ва ускуналар

1 та кенг конференц-зал (55 нафарга мўлжалланган). Конференц зал бинонинг 1-қаватида бўлгани учун алоҳида қўшимча преференция берилади. Сабаби иштирокчилар орасида ногиронлиги бўлган шахслар бўлади.

Проектор ёки экран

Ноутбук (1 дона)

Акустик тизим ва микрофонлар (2та қўл микрофон ва 1та гарнитура)

Флипчарт, маркер ва қоғозлар

Wi-Fi интернет (барқарор)

Кондиционер ва электр розеткалар ҳар бир қаторда

7. Трансфер ва логистика

Иштирокчилар ва тренерларни аэропорт/вокзалдан меҳмонхонага ва орқага олиб бориш учун автобус ёки микроавтобус

8. Қўшимча талаблар

Меҳмонхона ёки тадбир жойи марказий қисмида, хавфсиз ва осон топиладиган ҳудудда бўлиши лозим

Барча хизматлар учун ҳисоб-фактуралар (invoice) тақдим этилиши керак

Таъминловчи ташкилот хизматларни тўлиқ логистика ва тайёргарлик билан таъминлаши лозим

9. Молиявий таклиф учун формат

Таклифда қуйидагилар алоҳида кўрсатилиши керак:

Ётоқ ва овқатланиш нархи (1 киши/1 кун)

Конференц-зал ижараси (1 кун)

Кофе-брейклар нархи

Трансфер хизмати нархи

Барча нархлар ҚҚС билан кўрсатилиши лозим